

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

▼ Bayram shukhi

Yangi yil yaqin:
viloyatning bosh archasi
chiroqlari yoqildi

Bugun Nurafshon shahrida joylashgan "Nurafshon Business City" hududidagi amfiteatr maydonida viloyatning bosh archasining rasman ochilishiga bag'ishlangan tantanali marosim bo'lib o'tdi. Unda Toshkent viloyati hokimi Zoyir Mirzayev boshchiligidagi viloyat faollari, keng jamoatchilik vakillari ishtirok etdi.

Tadbir davomida balandligi 30 metr bo'lgan, 28 mingdan ziyod bezak va yorug'lik elementlari bilan bezalgan muhtasham archaning chiroqlari yoqilib, viloyatdagi Yangi yil bayram tadbirlariga rasman start berildi.

Maydonda o'rnatilgan dekorativ jihozlar, bolalar uchun turli attraksionlar, bayramona bezaklar va rangli yorug'lik chiroqlari haqiqiy yangi yil shukuhini yaratgan.

Shuningdek, bayramni ko'tarinki kayfiyatda o'tkazish va jajji bolajonlarni xushnud etish uchun 100 nafar qorbobo va qorqiz jalb etilgan.

Yangi yil bayrami arafasida aholi, ayniqsa bolajonlar uchun bunday bayramona muhit yaratish muhim ahamiyat kasb etib, barcha tadbirlar xavfsiz va yuqori saviyada tashkil etilgan.

Ma'lumot uchun bosh archa maydonida bayram shodiyonalari har kuni soat 10:00 dan 22:00 gacha davom etadi.

Teatrlashtirilgan tomoshalar, badiiy jamoalar chiqishlari, san'at ustalari va ijodkor yoshlar ishtirokidagi shou-konsertlar, shuningdek, bayram timsollari – Qorbobo va Qorqiz, turli ertak qahramonlari ishtirokidagi dasturlar tashkil etilmoqda.

Bayram tadbirlari 2026-yil 10-yanvargacha davom etadi.

Энг фаол хотин-қизлар
тақдирландилар

▼ Йил аёли – 2025

Олмалик шаҳрида "Йил аёли – 2025" ва "Гендер тенглик фаоли" танловларининг вилоят bosқичи ўтказилди. Унда вилоятда турли соҳаларда фаолият юритиб келаётган хотин-қизлар ва тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

2

Рисолат – Обама
СТИПЕНДИЯСИ
СОҲИБИ

▼ Офарин

Шу муносабат билан Рисолат АҚШда жойлашган Президент марказига тақлиф этилди ва АҚШнинг 44-Президенти Барак Обама билан учрашди.

Home Court майдонидаги учрашув чоғида Президент Обама ҳар бир стипендиат билан алоҳида мулоқот қилиб, уларнинг ҳаёт йўли, фаоли-

ти ва режалари билан қизиқди ҳамда келгуси фаолиятларида асқотадиган муҳим маслаҳатларини берди.

Маълумот ўрнида, Obama Foundation Scholars Program жамиятда ижобий ўзгаришлар қилишга интилувчи, ўз соҳасида фаол бўлган ёш мутахассислар учун мўлжаллан-

ган нуфузли халқаро дастур ҳисобланади.

Рисолат Махсумова мазкур дастурга стипендиат сифатида қабул қилиниши унинг меҳнати, қатъияти ва салоҳияти баробарида юртимизда таълимга қаратилаётган эътибор ва ислохотларнинг яна бир самараси сифатида эътироф этилмоқда.

Паркент туманилик Рисолат Махсумова 2025 йилги Obama Foundation Scholars Program стипендиясини қўлга киритди.

ЗАНГИОТА
ТУМАНИ:
ИСЛОҲОТЛАР
МАРКАЗИДА
ЮКСАЛАЁТГАН
ТАРИХИЙ МАСКАН

4

Обуна – 2026



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва
«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига
2026 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси

(тўғридан-тўғри таҳририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 207

Етказиб бериш хизмати ичида.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35

Бунақаси
бекободда
иттагина

Хусусан, Бекобод туманининг "Боғи-шамол" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган мелиоратив қудуқлар атрофида балик етиштириш фаолиятини бошлаган "RAS TROUT" масъулияти чекланган жамияти ана шундай ҳужаликлардан бири саналади.

Ушбу ҳужалик томонидан республикада илк мартаба ярим айланма сув тизими услубида балик етиштиришда суюқ кислороддан фойдаланиш бўйича инновацион лойиҳа ишга туширилди.

8 сотих майдонга ўрнатилган, қуввати 80 тонна бўлган 16 та бассейнда амалга

оширилаётган лойиҳада мавсумга қўра, яъни киш ойларида форель балиги чавоқлари, ёзги мавсумда эса карп ҳамда осётр баликларини етиштириш режалаштирилган.

Биламизки, мелиоратив қудуқлардан асосан ер ости сувларини пасайтириш ва деҳқончиликда фойдаланилган. Бугунги кунга келиб эса ушбу сувларда саноат усулида балик етиштириш оммалашиб бормоқда. Мазкур қудуқлардан чиқарилаётган ер ости сувларининг таркиби тўғридан-тўғри балик етиштириш талабига мос келмаганли-

ги сабабли қайта ишланиб, дегазация қилинади. Ортиқча газлар чиқарилиб, қўшимча равишда кислород билан тўйинтирилади.

Лойиҳа доирасида махсус ҳароратда сақланган суюқ кислород замонавий ускуналар ёрдамида газ ҳолатига ўтказилиб, бассейнга керакли миқдорда юборилади. Натижада сувнинг таркибидаги кислород миқдори етиштирилаётган балик турига қўра оптимал даражада ушлаб турилади. Сув таркибида кислород миқдорининг кўпайиши ўз навбатида баликларда модда алмашинуви яхши-

лаб, озуқа истеъмолига бўлган талабни оширади.

Лойиҳанинг аҳамияти ҳам шундаки, балик етиштиришда суюқ кислороддан фойдаланилмоқда. Бу усулда эса сувда кислород 200-300 фоиз миқдоригача эрийди. Баликларнинг касалланиш даражаси камайд. Ҳаво ҳароратининг кескин ошиб кетиш давридаги кислород етишмаслик муаммоси бартараф этилади. Бунинг натижасида эса юқори самардорликка эришилади.

Мазкур йўналишда балик етиштиришнинг яна бир афзаллиги унда сув, ер ва электр энергия ресурсларининг сарфи тежалди. Ишлатилган сувларнинг қарийб 50 фоизи қайта ишлатилади. Қолган қисми эса фосфор ва азотга тўйинган ҳолатда қишлоқ ҳўжалиги экинлари учун фойдаланилади. Натижада ишлатиладиган ўғит сарфи камайиб, экинлар ҳосилдорлигининг ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг иқлим шароитини инобатга олган ҳолда балик етиштиришда суюқ кислороддан фойдаланиш соҳани янги bosқичга олиб чиқиш, замонавий ва барқарор баликчиликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Зилола РЎЗИЕВА



▼ Инновация

Энг фаол хотин-қизлар тақдирландилар

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқди ва қатнашчиларни табриклади.

— Сизларнинг фидойилигингиз, билим ва меҳнатингиз келажак авлод тарбияси ва юртимиз фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда, — деди Зойир Мирзаев. — Бугунги тадбир нафақат ғолибларни тақдирлаш, балки жамиятда аёлларнинг ўрни ва фаоллигини янада оширишга хизмат қилади. Миллат она орқали қад ростлайди. Сизларнинг ташаббусларингиз, меҳнатингиз ва садоқатингиз нафақат оилаларга, балки бутун жамиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Таъкидланганидек, вилоятда таълим, соғлиқни сақлаш, молия, сановат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида аёлларнинг ҳиссаси катта. Жумладан, таълим соҳасида фаолият юритувчиларнинг 77,1 фоизи, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда 78 фоизи аёллардан иборат.

Бундан ташқари, бугунги кунда 3 минг 873 нафар аёл раҳбарлик лавозимда, 6 минг 510 нафари эса тадбиркорлик соҳасида фаолият юритиб келмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳозирга қадар вилоятда 434 нафар аёл турли давлат мукофотлари билан тақдирланган. Жумладан, “Шўхрат” медали билан 136 нафар, “Мўтабар аёл” кўрак нишони билан эса 168 нафар аёллар мукофотланган.

Танлов натижаларига кўра, “Йилнинг энг ватанпарвар аёли” деб Барно Турғунбоева, “Йилнинг энг фаол олима аёли” деб Ноила Кўчқорова, “Йилнинг энг илғор тадбиркор аёли” дея Феруза Мухамедова эътироф этилди. Шу билан бирга, ижодкорлик, маънавий-маърифий ишлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва инновацион ташаббуслар бўйича ҳам етакчи аёллар тақдирландилар.

— Бугунги эътирофдан жуда мамнунмиз, — дейди Феруза Мухамедова. — Сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. 2022 йилдан бери “Маннаев агро кластер” МЧЖ раҳбариман. Корхонамизда кўзқорин ва қадокланган сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб, уларни ички бозорга чиқарамиз ва экспорт қиламиз. Жамиятимизда 42 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган. Келгусида ишлаб



чиқариш тармоғимизни кенгайтириб, яна 100 та иш ўрни яратамиз.

Шу кун “Гендер тенглик фаоли” ҳамда “Энг яхши хотин-қизлар фаоли” танловининг вилоят босқичи ғолиблари ҳам аниқланди. Хусусан, “Гендер тенглик фаоли” танловида вилоят Давлат солиқ хизмати “Энг фаол давлат органи”, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги “Энг фаол маҳаллий ҳокимлик”, Бўка тумани “Халқ овози” газетаси эса “Энг фаол ОАВ” номинацияларида ғолиб деб топилди.

“Энг яхши хотин-қизлар фаоли” тан-

ловида эса Пискент тумани “Мингтепа” маҳалласи фаоли Нодира Бегматова биринчи, Оқўрғон тумани “Қўргонтепа” маҳалласи фаоли Нурхон Маматазимова иккинчи, Тошкент тумани маҳалла фаоли Жумагул Рисбоева эса учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

▼ Минтақавий ҳамкорлик қардошлиқ руҳи билан мустаҳкамланаётган қўшничилик

Жорий йилнинг 11 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Берди-мухамедовнинг таклифига биноан Туркменистон Республикасига амалий ташриф билан борди. 12 декабрь кунини эса давлатимиз раҳбари Туркменистоннинг доимий бетарафлиги эълон қилинганнинг 30 йиллиги, Халқаро бетарафлик кунини ҳамда 2025 йилнинг “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилинишига бағишланган нуфузли халқаро форумда иштирок этди. Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар, ўзаро ҳурмат, суверенитетни тан олиш ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланганини яна бир бор тасдиқлади.

Туркменистоннинг доимий бетарафлик мақоми ҳамда Ўзбекистоннинг очiq ва прагматик ташқи сиёсати икки томонлама ҳамкорлигининг мувозанатли ва барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда олий даражадаги ташрифлар ва мунтазам учрашувлар сиёсий ишончини янада мустаҳкамлаб, қўшни давлатлар ўртасидаги шериклики янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йилда ўрнатилган бўлиб, 2023 йилда ушбу алоқаларнинг 30 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистоннинг Туркменистондаги элчихонаси эса сиёсий мулоқот билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Аҳамиятлиси, Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги ilk хорижий расмий ташрифи 2017 йил март ойида айнан Туркменистонга амалга оширилган, якунда Стратегик шериклик тўғрисидаги тарихий битим ҳамда умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланган эди.

Икки давлат ўртасидаги яқин муносабатлар 2018 йил апрель ойида Туркменистон Президенти Гурбангули Берди-мухамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида яна бир бор амалий ифодасини топди. Пойтахтда “Ашхобод” боғи ва Махтумқули кўчасининг очилиши, Хоразм вилоятида эса Ўзбек-туркман дўстлик уйи ҳамда “Улли ҳовли” мажмуасининг барпо этилиши халқларимиз ўртасидаги қардошлиқ ва дўстлик муносабатларининг ёрқин намунасига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркменистонга ташрифи доирасида муҳим амалий натижаларга ҳам эришилди. Жумладан, олий даражадаги музокаралардан сўнг Туркменистон Президенти ҳамроҳлигида “Шавот–Тошховуз” кўша чегараолди савдо зонаси ишга туширилди. Умумий майдони 6 гектарни ташкил этувчи ушбу худуд соддаштирилган савдо режимида эга бўлиб, замонавий божхона пости орқали товарлар ва фуқароларнинг тезкор ҳамда шаффоф ҳаракати таъминланмоқда. Энг муҳими, икки мамлакат фуқаролари ушбу савдо зонасига визасиз кириш имкониятига эга.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида маданият кунлари, театр ва кино ҳафталиклари, концерт дастурлари, кўргазмалар ҳамда адабий учрашувлар мунтазам ташкил этилмоқда. Махтумқули Фирогий ва Алишер Навоий меросига бағишланган илмий-маърифий тадбирлар эса икки халқ ўртасидаги маънавий яқинлиқни янада мустаҳкамламоқда.

Анис ҲАМИДОВ,
Халқ депутатлари Нурафшон
шаҳар Кенгаши депутати

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА



Олмалиқ шаҳрида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни касб-хунар ва замонавий йўналишларда ўқитиш, шунингдек, тартибли меҳнат миграцияси орқали ишсиз ёшларни дарамадли иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган кенг қамровли меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

▼ Меҳнат ярмаркаси

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир аввалида ёшларга вилоятда фаолият юритаётган йирик sanoat корхоналари, ташкилот ва муассасалар томонидан мавжуд бўш иш ўринлари бўйича кенг қамровли маълумотлар тақдим этилди. Иш берувчилар ярмаркада sanoat, ишлаб чиқариш, муҳандислик, техник хизмат кўрсатиш ҳамда хизматлар соҳаларидаги вакант лавозимлар билан иштирок этишди.

Хусусан, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ томонидан ёшлар учун истиқболли иш ўринлари, муносиб меҳнат шaroitлари, ижтимоий кафолатлар ҳамда касбий ривожланиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Комбинат раҳбарияти ташкилот томонидан ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, уларни замона-

вий технологиялар асосида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ярмарка доирасида “Ёшлар ва раҳбарлар” очiq мулоқоти ҳам ташкил этилди. Учрашувда Тошкент вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Отабек Султонбеков, Олмалиқ шаҳар ҳокими Қобил Ҳамдамов, шунингдек, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” раҳбарлари, масъул ташкилот ва идоралар вакиллари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар ёшлар бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаб, бундай меҳнат ярмаркалари йигит-қизларнинг ҳаётида муҳим бурилиш нуқтаси бўлиши мумкинлигини қайд этдилар. Шунингдек, ёшларни фаол бўлишга, ўз устида ишлашга, тақлиф этилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга чақирдилар.

Мулоқот давомида ёшларнинг

бандлик, касб танлаш, меҳнат шaroitлари, иш жойидаги имкониятлар ҳамда хорижда меҳнат қилиш борасидаги саволларига жавоб берилди.

Тадбирда Миграция агентлигининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари ҳам иштирок этиб, хорижда ишлаш истагида бўлган ёшлар учун яратилган шарт-шaroitлар, қонуний ва хавфсиз меҳнат миграцияси тизими ҳақида атрофлича маълумот берди.

Таъкидланишича, давлат томонидан хорижда ишлашни хоҳловчи ёшлар учун расмий меҳнат шартномалари, ҳуқуқий ҳимоя, тиббий суғурта, касбий тайёргарлик ва тил ўргатиш тизими йўлга қўйилган. Бу эса уларни ноқонуний воситачилар, фирибгарлар ва турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилади.

Бу каби мулоқотлар ёшлар билан давлат идоралари ҳамда иш берувчи ташкилотлар ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлайди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Мilliy gvardiya TOSHKENT viloyati bo'yicha boshqarmasi tomonidan harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolarini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash maqsadida “Shukronalik – oiladan boshlanadi” mavzusida tadbir tashkil etildi. Shu kuni harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari uchun Milliy gvardiyaning viloyat bo'yicha boshqarmasi boshlig'i va Chirchiq harbiy prokurorining “Sayyor qabuli” ham o'tkazildi.

VILOYAT hokimining qishloq va suv xo'jaligi masalalari bo'yicha birinchi o'rinbosari Xurshid Qoraboyev rahbarligidagi delegatsiya a'zolari xizmat safari bilan Xitoy Xalq Respublikasida bo'lishdi. Safar dasturiga ko'ra, ular Xitoy paxtachilik tarmog'i yutuqlari, to'plangan tajribalar bilan yaqindan tanishib, bir qator yetakchi paxta tozalash va urug'chilikka ixtisoslashgan kompaniya vakillari bilan yuzma-yuz muzokaralar o'tkazishdi.

NURAFSHON shahridagi maktab va maktabgacha ta'lim tashkilotlarida haroratni masofadan boshqarish tizimi joriy etilmoqda. Xususan, shahardagi 26-sonli davlat maktabgacha ta'lim tashkilotida eksperiment tariqasida sun'iy intellekt asosida ishlaydigan raqamlashtirilgan va mikroqilimni boshqarish tizimi ishga tushirildi. Yangi tizim isitish, havo sifati, harorat, namlik va xavfsizlikni avtomatlashtirilgan holda masofadan, real vaqt rejimida nazorat qilish imkonini beradi.

TOSHKENT tumanidagi ijtimoiy soha ob'ektlari, maktab va maktabgacha ta'lim muassasalarida gaz ta'minotining barqarorligi, ichki gaz tarmoqlari holati, isitish tizimlarining sozligi hamda gazdan foydalanish tartib-qoidalarini amaldagi me'voriy hujjatlar talablari qay darajada muvofiq ekanini “Hududgaz Toshkent” filiali ishchi guruhi tomonidan tekshirildi. Jarayonda gaz uskunalaridan xavfsiz foydalanish, texnik xizmat ko'rsatish ishlarining o'z vaqtida amalga oshirilishi va mas'ul shaxslarning bilim hamda malakasiga alohida e'tibor qaratildi.

Yangi yil bayrami munosabati bilan “Hududgaz Toshkent” GTF boshlang'ich kasaba uyushmasi tomonidan 14 turdagi oziq-ovqat mahsulotlaridan iborat 80 ta moddiy yordam to'plami ehtiyojmand oilalar vakillari va nafaqadagi faxrliylarga tarqatildi. Shuningdek, kam ta'minlangan, nogironligi bo'lgan, boquvchisini yo'qotgan oilalar holidan xabar olinib, bayramni mazmunli o'tkazishga hissa qo'shishdi.



Биз ҳар кунини кўча-кўйда, боғ ва хиёбонларда, турли идоралар ва маҳаллаларда улар билан тўқнаш келамиз. Эҳтимом улар ҳақида баланд овозда гапирилмас. Аммо ҳаётимиз сифати, атроф-муҳитнинг покизалиги, шаҳарларимизнинг обод ва файзли бўлишида айнан шу инсонларнинг ҳиссаси катта.

Лойиҳамизнинг ilk қаҳрамони — Ну-

“Кадр ортида”ги қаҳрамонлар

Газетамизда “Кадр ортида”ги қаҳрамонлар номли янги лойиҳа йўлга қўйилмоқда. Ушбу лойиҳа орқали кўпинча эътибордан четда қолаётган, аммо жамият ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган меҳнаткаш инсонлар тақдирига назар ташлаймиз.

▼ Дикқат: янги рукн

рафшон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходими, кўп йиллардан буён шу соҳада сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган Иброҳим Йўлдошев.

2025 йил 18 декабрь. Эрта тонг. Кечаси билан ёққан қор атрофни гўё оппоқ гиламдек қоплаган. Иброҳим ака ҳар кунини шаҳар билан шу тариқа “учрашади”. Шаҳар аҳли ҳали ширин уйкуда бўлган пайтда у ишини бошлайди. Қор елкаларига кўниб, кийимини оғирлаштиради, қадамларини секинлаштиради. Эрта тонгдаги изғирин совуқ унинг ишини янада қийинлаштиради. Бармоқлари музлайди, аммо ҳаракатдан тўхтамайди. Қўлидаги курак тинмай ишлайди.

Иброҳим ака кўп гапирмайди. Сабаби сўзлаш шарт эмас. Ҳар бир тозаланган йўлак — унинг айтилмаган гапларидир.

— Ушбу соҳада ишлаётганимга 15 йилдан ошди, — дейди Иброҳим ака. — Қорми, ёмғирми ёки ёзнинг жазирама кунларими

— ишимизни бир маромда давом эттиравемиз. Об-ҳавонинг инжиқликларига қараб ўтирмаймиз. Чунки шаҳар ҳаёти ҳар кунини узлуксиз давом этади. Эрталаб ҳаммадан олдин ишга чиқамиз. Одамлар ишга, ўқишга шошаётган пайтда йўллар тоза бўлиши керак. Айниқса, қор ёққанда ишимиз янада кўпаяди.

Унинг овозида шикоят йўқ. Фақат қабул қилиш, йиллар давомида шаклланган сабр бор. Иброҳим аканинг айтишича, дастлаб бу ишни оддий меҳнат деб қабул қилган. Аммо йиллар ўтиши билан танлаган иши жамият учун зарур эканини англаётган. Ишдаги турли қийинчиликлар, паст-баландликларга қарамай бирор марта нолимаган, афсусланмаган.

Очиги, айрим ҳолларда эндигина тозаланган жойга ахлат ташлаб кетилганини кўриш, айниқса, баъзи ёшларнинг уларнинг меҳнатига бепарволиги Иброҳим акани

уйга толдиради. Аммо меҳнатини қадрлаб, “Раҳмат” деб саломлашиб ўтадиган инсонлар ҳам кам эмас. Ана шу бир оғиз самимий сўз унинг барча чарчоғини унуттиради.

Иброҳим ака учун қандайдир орден, медаль ёки мукофотлар керак эмас. Энг катта мукофот — одамларнинг тоза кўчаларда бемалол юриши, болаларнинг майдончаларда беҳавотир ўйнаши, меҳнатининг самарасини кўришидир. Кечқурун уйга қайтар экан: “Бугун ҳам фойдали иш қилдим”, деган ўй унга хотиржамлик беради.

Қаҳрамонимизнинг ҳамкасблари ҳам у ҳақида илиқ фикрда.

— Вазифамиз — Нурафшон шаҳри марказини озода сақлаш, — дейди бўлинма иш бошқарувчиси Алишер Халменов. — Бўлинмамизда 20 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Иброҳим ака энг тажрибали ходим. Ўн йилдан бери бирга ишлаймиз, бирор марта меҳнатдан қочганини кўрмадим. Ишга садоқати, масъулияти ва фидойилиги билан жамоамизда ҳурмати баланд.

Дарҳақиқат, астойдил қилинган меҳнат, саъй-ҳаракат одамлар назаридан четда қолмайди. Зеро, меҳнат қадрланган жойда барака бўлади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Қиш кунлари газдан узилиш бўлмайди(ми?)

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш, аҳолининг турмуш шароити ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган ислохотлар ҳар бир соҳада, жумладан, газ таъминоти тизимида ҳам изчил давом этмоқда. Глобал миқёсда кузатилаётган энергетик танқислик, иқтисодий беқарорлик ва геосиёсий зиддиятлар шароитида мамлакатимизда соҳа учун мустақкам пойдевор яратиш, аҳолини узлуксиз ва хавфсиз газ билан таъминлаш дастурлари амалга оширилмоқда.

▼ Долзарб мавзу

Вилоятимизда ҳам газ таъминоти тизимини бошқариш, модернизация қилиш ва янги технологияларни жорий этиш давом этмоқда. Айниқса, қиш мавсумига пухта тайёргарлик барча бўғинларда тизимли ташкил этилди. Вилоят миқёсида 37 минг 467 та хонадонга энергия тежамкор горелкалар ўрнатиб берилди. Шу билан бирга, 10,3 км. қўшқор газ тармоқлари тўлиқ кўздан кечирилиб, 7,8 км. масофада 804 та нуктада аниқланган газ сизиб чиқиш ҳолатлари бартараф этилди. Ушбу чоралар натижасида 4 млн. 168 минг куб. метр табиий газ йўқотилишининг олди олинди. Ўрганишлар давомида 96,8 млн. куб. метр табиий газни иқтисод қилиш имконини берувчи қўшимча манбалар аниқланди ва бу борадаги йиллик режани 103 фоизга бажариш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Энерготизимда самарадорлиқни ошириш мақсадида 62 та ўрта босимли газ тақсимлаш пунктлари демонтаж қилинди, 22 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг кириш қисмини ЭҒХУ (электрон газ ҳисоблаш ускунаси) билан таъминлаш ишлари амалга оширилди. Қўшимча равишда, 62 та маҳалла кичик ҳудудларга ажратилиб, ҳар бир қисмига ЭҒХУ ўрнатилди. 80 та газ фильтри ўрнатилиб, 383

та газ зулфи ва жўмраклар янгиланди. Бу ишлар газ таъминоти тармоғининг техник ҳолатини яхшилаш, авариялар хавфини камайтириш ва аҳолига етказилаётган газ босимини барқарор қилиш имконини берди.

Вилоятда жорий йил давомида 29 минг 860 та аҳоли истеъмолчиларини икки босқичли тизимга ўтказиш режалаштирилган бўлиб, ўтган ўн ой давомида 34 минг 986 та хонадонга регуляторлар ўрнатилди. Хусусан, Юқори Чирчиқ туманининг “Бирлик” маҳалласида огир тоифли 630 та хонадонга икки босқичли газ таъминоти тизими жорий этилди. Бу эса газнинг юқори, ўрта ва паст босим босқичларидан иборат эски тизимни тарк этиб, фақат икки босқичли хавфсиз ва самарали тақсимотга ўтиш имконини берди.

Газни ҳисобга олишни тўлиқ автоматлаштириш ҳам соҳа тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, вилоятимизнинг туман ва шаҳарларидаги 593 минг 513 та хонадонга замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилиши белгиланган эди. Қайта хатлов давомида аниқланган умумий 639



минг 219 та хонадондан 633 минг 154 тасига электрон ҳисоблагичлар жорий этилди.

Вилоят бўйича газ таъминоти тармоқларини тубдан янгилаш доирасида 31,4 км. қузуурлар реконструкция қилинди, 7 мингдан ортиқ газ тақсимлаш ускуналари техник кўриқдан ўтказилди, 3002,7 км. газ қувури босим остида синовдан ўтказилиб, тозалаш ишлари амалга оширилди. 149 та эски газ тақсимлаш қурилмалари замонавийсига алмаштирилди.

Хусусан, Тошкент туманининг “Тошкенттумангаз” бўлими бошлиғи Ихтиёржон Мирҳамидовнинг маълумот беришича, туманда 50 минг 853 та табиий газ истеъмолчисидан 49 минг 800 таси аҳоли, 1 минг 53 таси эса улгуржи истеъмолчилар ҳисобланади. Шунингдек, 474 та хонадон ва 99 та ижтимоий объект суюлтирилган газ билан таъминланади. Аҳоли хонадонларига энергия тежамкор горелкалар ва электрон ҳисоблагичлар

▼ Шанба фелъетони

Ассалому алайкум, муҳтарам ҳамшаҳарлар!

Сизлар билан матбуот орқали мулоқот қилмаганимизга ҳам, мана, қарийб тўрт фасл бўлиб қолибди. Умр – оқар сувдир, дарёси бўлак, деб бежиз ёзмаган-да шоир. Умримизнинг яна бир йиллик суви дарёсида оқиб бораётган айни кунларда жонанжон ва қадрдон шахримиз Нурафшон меҳбонлик қилган бир фан анжумани ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимга чалинди. Йўқ-йўқ, бу баъзи мактаблардаги айрим педагог ходимлар ўртасидаги миш-мишлар эмас, бор гап экан.

Алапхусус, Нурафшон шахрида умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-, 10- ва 11-синф ўқувчилари ўртасида «Фан олимпиадаси»нинг Тошкент вилоти босқичи бўлиб ўтибди. Бу ҳақида нурафшонлик муаллимлардан эмас, Нурафшон шахридаги Президент мактабига Ангрендан келиб директорлик қилаётган Абдор Назировдан эшитдим. Ахир, Нурафшонда бўлиб ўтган шундоқ нуфузли анжуман хусусида нурафшонлик ўқитувчиларнинг бирор нима дейишга тили бормайди-ку.

Гапни бироз йироқдан – Ангрендан олиб келсам. Яна иззи дақиқа вақтингизни дариг тутманг каминадан. «Фан олимпиадаси» вилоят босқичининг якуний натижаларига қараганда, ҳудудлар миқёсида Ангрэн шахри ўқувчилари мутлақ чемпион бўлган. 3 та 1-урин, 10 та 2-урин ва 6 та

«ФАН ОЛИМПИАДАСИ»: НУРАФШОН “БИРИНЧИ” ЎРИНДА

3-ўрин билан жами 19 та совринли ўринни эгаллаган ангрэнлик ўқувчилар вилоятдаги энг яхши таълим кўрсаткичига эришдилар.

«Хамма гап ҳавода, Ангренда чанг йўқ-да...», дейишга шошилманг. Ёқангизни ушлаб, тавба деб, менинг «Хамма гап мактабда, таълим ва тарбияда!» деган сўзимга қўшилинг. Умуман олганда, менинг сўзимга қўшилиш ўз ихтиёрингизда, аммо жаноб Дантоннинг сўзига қўшилишингиз мақсадга мувофиқ, Француз файласуфи сифатида танилган бу кишим «Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир», дея бир неча асрлар муқаддам битиб кетган. Демак, ҳамма гап чангда эмас, мактабда. Ушбу юзасидан бир тўхтамга келиб олдик. Энди кейинги масала.

Гапни ўзимизда давом эттирамиз. Шухрат Аббосов тасвирга олган афсонавий «Маҳаллада дув-дув гап» фильмида Ойпошша хопла болохондан туриб, чолига юзланади: – Тўйга неча кўй олдик?

Сочсиз боши офтобда ялтировчи эр жонивор елпигични кафтида ўйнатаётган завжаи муҳтарамаси турган томонга қайрилиб, «Битта

қўзи», дея жавоб қайтаради. Кинонинг давоми ўзингизга маълум. Гапга бу фильмни қўшмоғимизнинг боиси шуки, нурафшонлик ўқувчилар, аниқроғи, ўқувчида ҳам совринли ўрин бор. «Битта қўзи...» дея йиманишдан чекиниб, оғизни тўлдирган ҳолда «Би-и-итта кўчқо-лим ва тарбияда!» деган сўзимга сизларга айтсам. Зотан, 1 та 1-урин орқали Нурафшон шахри ўз хисобидаги ягона натижани қайд этган (шу жойида рекламдан сўнг «Битта бўлсин – зўр бўлсин» қўшиғи фонограммда янграши керак).

Гапни бошқа тарафлардан ҳам эшитайлик, деғувчиларга айтадиганим будир: «Фан олимпиадаси»да вилоятдаги 22 та туман-шаҳар вакиллари ҳамда вилоятдаги академик лицейларнинг ўқувчилари тўғридан-тўғри иштирок этган. Энг қизиги, лицей ўқувчилари умумжамоа рейтингинда 7-ўринда турибди. Улар 5 та совринли ўринни банд этган. Демак, ҳамма гап лицейда ҳам эмас, тагин мактабда экан.

Хўш, нима учун шундай бўлди? Бизнинг гузал шахримиздаги мактабларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти

вилоятдошлариникига нисбатан сусти? Сифатли таълим учун нурафшонлик муаллимларга ким ё нима халақит бермоқда?

Нурафшон шахридаги айрим мактабларда бир синфда қирқа яқин ўқувчилар ўқиши ҳақида ҳам эшитиб қоламан. Қўшимча эмас, етарлича ўқувчи ўрни яратиш учун шахримиздаги Мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг ҳурматли раҳбарияти қандай чора кўрмоқчи, бу бўйича қандай тақлифлари бор?

Саволлар кўп, жавоблар қаерда? Мана, шунинг ўзи ҳам яна бир савол...

Николай Чернышевский отли зоти муҳтарам шундай деган: "Таълимнинг инсон учун энг буюк неъмат эканлигини исботлашга ҳожат йўқ. Таълимсиз одамлар қўпол, қашшоқ ва бахтсиз бўлади."

Хайҳот, ўз ўқувчиларини келажакнинг қўпол, қашшоқ ва бахтсиз одамларига айлантираётган баъзи ўқитувчилар ҳақида нима дейиш мумкин? Уларнинг хуррак отиб ётган виждонлари бу ҳақида нима дейди?

Иш ҳақи қиймати, синфда дарс учун телевизорнинг йўқлиги, дарслиқдаги камчилик, мактаб раҳба-

ўрнатиш, Беруний номли маҳаллада уч босқичли тизим ўрнига икки босқичли тақсимотни жорий этиш газдан фойдаланиш самарадорлигини оширди, ноқонуний уланишларнинг олдини олди.

– Вилоят бўйича 670 мингдан зиёд газ истеъмолчисидан 656 минг 331 тасини аҳоли, 13 минг 745 тасини улгуржи истеъмолчилар ташкил этади. Уларни газ билан таъминлаш учун умумий қиймати 2 трлн. 734,5 млрд. сўмлик табиий газ етказиб берилди. – дейди “Худудгаз Тошкент” газ таъминоти филиали директор ўринбосари Саидакбар Мирзаев. – Шундан аҳоли улушига 863,3 млрд. сўм, улгуржи истеъмолчиларга 1 трлн. 871,1 млрд. сўмлик газ тўғри келади. Тушумларни ўзлаштиришда рақамли технологиялар жорий этилиши ва коррупция ҳолатларига қарши қатъий кураш туфайли тизимда шаффофлик кучаймоқда.

Шунингдек, табиий газ етмайдиган ҳудудларни суюлтирилган газ билан таъминлаш ҳам алоҳида эътиборда. Жорий йил учун 5 минг 400 тонна суюлтирилган газ етказиб бериш режалаштирилган бўлса, шу кунгача 5 минг 411 тонна газ тарқатилди. Куз-қиш мавсумида 2 минг 700 тонна газ етказилиши белгиланган. Шундан 2025 йилнинг октябрь-декабрь ойларида 1 минг 350 тонна, 2026 йилнинг январь-март ойларида яна 1 минг 350 тонна газ тарқатилиши кўзда тутилган. Масалан, Чиноз туманида бугунги кунга қадар 88 тонна суюлтирилган газ аҳолига етказиб берилди. Бу жараёнда газ баллонлари махсус автотранспорт воситалари орқали хонадонма-хонадон етказилмоқда. Мавсумда барқарорлиқни таъминлаш учун минг донга газ баллони захираси яратилган.

Мухтасар айтганда, юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ва амалий ишлар ҳар бир хонадон, ҳар бир оилани узлуксиз газ билан таъминлаш орқали халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

▼ Статистика бурчаги

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тартиби

Мамлакатни ривожлантириш истиқболларини белгилашда аҳолининг демографик ҳамда ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, яшаш даражаси ва фаровонлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳолатини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш долзарб ва-зифа ҳисобланади.

Юртимизда умуммиллий аҳолини рўйхатга олиш тадбири охири марта 1989 йилда ўтказилган. Кейинги йилларда мазкур йўналишда қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ аҳолини ҳар 10 йилда, қишлоқ хўжалигини эса камида ҳар 5 йилда бир марта рўйхатдан ўтказиш белгиланди.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида аҳоли ўртача ҳар ўн йилда камида бир марта рўйхатга олиб борилади. Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудида яшовчи барча аҳолига оид демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда эълон қилишнинг ягона жараёнидир.

Мазкур тадбир аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10–20 йиллик ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш учун ишончли пойдевор яратади. Шунингдек, аҳоли миграциясига оид тўлиқ маълумотлар шакллантирилади. Олинган маълумотлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Аҳолини ишончли ҳисобга олиш эса расмий статистика тизимида хал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирлари 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар ўтказилади.

Тадбир икки асосий йўналишда амалга оширилади.

Биринчи йўналиш аҳоли ҳақида тўлиқ маълумотларни йиғишни ўз ичига олади. Бунда оилалар таркиби, ёшлар ва кексалар улуши, таълим даражаси, иш билан бандлик ҳолати ҳамда миграция жараёнлари ўрганилади.

Иккинчи йўналиш қишлоқ хўжалиги соҳасига қаратилган бўлиб, ерлардан фойдаланиш, экин турлари, чорвачилик ва паррандачилик кўрсаткичлари қамраб олинади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастлаб 17 кун давомида интернет орқали амалга оширилади. Ушбу босқичда фуқаролар махсус веб-сайт орқали ўзлари ҳақидаги маълумотларни ихтиёрий равишда киритиши мумкин. Кейинчалик мазкур маълумотлар умумий рўйхатга қўшилиб, манзиллар базаси шакллантирилади. Шундан сўнг рўйхатга олувчи ходимлар планшет қурилмалари ёрдамида уйма-уй юриб сўровномаларни тўлдирди.

Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёни орқали эса фермер, деҳқон ва томорқа ер эгаларининг фоалияти, ер майдонларидан фойдаланиш ҳолати, чорва моллари сони, қишлоқ хўжалиги техникаси ва ресурслардан фойдаланиш каби муҳим маълумотлар йиғилади.

Тошкент вилоти
Статистика бошқармаси

▼ ЭЪЛОН

Ijaraga beruvchi					
Nomi:	Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markazi Toshkent viloyati hududiy boshqarmasi				
Manzili:	Toshkent viloyati, Nurafshon shahar, Toshkent yo'li ko'chasi, 45-uy				
Tel.(faks) raqami:	+998 77-707-81-01	Elektron pochta manzili:	E-xat.uz:btosf.markaz.toshvil		
Obyektni berish shartlari					
Moddiy madaniy meros obyektlarini va ularga tutash hududlarni obodonlashtirish va zarur holatda saqlash bo'yicha investisiya majburiyatlari olgan holda ijara ga berish					
1-obyekt	Maishiy xizmatning noishlab chiqarish turlari				
2-obyekt	Maishiy xizmatning noishlab chiqarish turlari				
3-obyekt	Maishiy xizmatning noishlab chiqarish turlari				
4-obyekt	Maishiy xizmatning noishlab chiqarish turlari				
5-obyekt	Maishiy xizmatning noishlab chiqarish turlari				
Ijara obyekti to'g'risidagi ma'lumotlar					
Nomi	Manzili	Balansda saqlovchi tashkilot nomi	Obyektning umumiy maydoni kv.m.	Bino-inshoot maydoni kv.m.	Hozirgi kundagi holati
1-obyekt Parpi ota nomidagi diqqatga sazovor joy	Ohangaron tumani, "Gulobod" MFY	Toshkent viloyati Madaniy meros boshqarmasi	0,1159	112	Ta'mirtalab
2-obyekt Zarkent ota nomidagi diqqatga sazovor joy	Parkent tumani, "Istiqlol" MFY	Toshkent viloyati Madaniy meros boshqarmasi	5,8	668,72	Ta'mirtalab
3-obyekt Bo'g'izyon ota nomidagi diqqatga sazovor joy	Parkent tumani, "Ko'ltepa" MFY	Toshkent viloyati Madaniy meros boshqarmasi	0,0036	34,91	Ta'mirtalab
4-obyekt Ko'k buloq ota nomidagi diqqatga sazovor joy	O'rta Chirchiq tumani, "Obod" MFY	Toshkent viloyati Madaniy meros boshqarmasi	0,16	135,19	Ta'mirtalab
5-obyekt Jarboshi avliyoy nomidagi diqqatga sazovor joy	Bo'stonlik tumani, "Sarbog" MFY	Toshkent viloyati Madaniy meros boshqarmasi	0,25	20	Ta'mirtalab

Restavratsiya-tiklash ishlarini olib borish, uni saqlash, obodonlashtirish va undan foydalanish shartlari	
1-obyekt	Madaniy meros obyektiga tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlari asosida maxsus lisenziyaga ega loyiha va pudrat tashkilotlarini jalb qilgan holda restavratsiya va asrashga doir konservatsiya hamda obodonlashtirish ishlarini olib borish lozim.
2-obyekt	Madaniy meros obyektiga tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlari asosida maxsus lisenziyaga ega loyiha va pudrat tashkilotlarini jalb qilgan holda restavratsiya va asrashga doir konservatsiya hamda obodonlashtirish ishlarini olib borish lozim.
3-obyekt	Madaniy meros obyektiga tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlari asosida maxsus lisenziyaga ega loyiha va pudrat tashkilotlarini jalb qilgan holda restavratsiya va asrashga doir konservatsiya hamda obodonlashtirish ishlarini olib borish lozim.
4-obyekt	Madaniy meros obyektiga tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlari asosida maxsus lisenziyaga ega loyiha va pudrat tashkilotlarini jalb qilgan holda restavratsiya va asrashga doir konservatsiya hamda obodonlashtirish ishlarini olib borish lozim.
5-obyekt	Madaniy meros obyektiga tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlari asosida maxsus lisenziyaga ega loyiha va pudrat tashkilotlarini jalb qilgan holda restavratsiya va asrashga doir konservatsiya hamda obodonlashtirish ishlarini olib borish lozim.
Moddiy madaniy meros obyektlari davlat kadastriga kiritilgan kadastr axboroti	
1-obyekt	11-08-08-01-03-3233 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan
2-obyekt	11-09-07-01-02:2109 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan
3-obyekt	11-10-03-01-01-1217 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan
4-obyekt	11-12-05-01-04-1623 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan
5-obyekt	11:03:10:01:01:7992 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan
Investitsiya majburiyatlarining eng kam miqdorlari	
Obyektni ijaraga olish muddati:	
1-obyekt	12 mlrd. so'm
2-obyekt	4 mlrd. so'm
3-obyekt	7 mlrd. so'm
4-obyekt	2,5 mlrd. so'm
5-obyekt	1 mlrd. so'm

Eslatma: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 6-martdagi 53-sonli qaroriga asosan ro'yxatlar ommaviy axborot vositalarida e'lon qilingan kundan boshlab, bir oy (30 kun) mobaynida talabgorlarni tanlovda qatnashish uchun buyurtmalari qabul qilinadi. Belgilangan muddat tugaganidan

so'ng, talabgorlarni tanlovda qatnashish uchun buyurtmalari qabul qilinmaydi.

Bundan tashqari e'londa belgilangan muddatda buyurtmanomalar kelib tushmaganda, mazkur obyekt bo'yicha buyurtmanomalar kelgusi davr uchun **har o'n kunlik** davriylikda qabul qilinadi.

Хар бир янги кун юртимиз ҳаётига янгича мазмун, инсонлар қалбига умид ва ишонч олиб киради. Инсон кадрини улуғлаш, ҳар бир фуқароннинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, ҳалол меҳнат самарасини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Чунки тараққиётнинг энг ишончли йўли – аввало инсон манфаатларини таъминлашдан бошланади.

▼ “Тошкент ҳақиқати” минбари

ЗАНГИОТА ТУМАНИ: ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА ЮКСАЛАЁТГАН ТАРИХИЙ МАСКАН

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотлар куруқ рақамлар ёки ҳисоботлар билан чекланиб қолмаёпти. Уларнинг ҳар бири оддий инсон ҳаётидаги аниқ ўзгаришлар, фаровон турмуш сари ташланган амалий қадамлар билан намоён бўлмоқда. Бу ислохотлар фарзандлари учун муносиб келажак орзу қилаётган ота-оналарнинг умиди, ўз меҳнати билан ҳаётини яхшилашга интилан фуқароларнинг ишончи ва жамият равишига дахлдор бўлиш истагидаги халқимизнинг қатъий позициясидир.

Зангиота тумани ҳам ана шу катта ўзгаришлар манзарасидан муносиб ўрин эгаллаган масканлардан бири. Бу ерда ҳар бир янги лойиҳа – эртанги куннинг пойдевори, ҳар бир яратилган иш ўрни – бир оила ҳаётидаги қувонч, ҳар бир қурилган уй – навиқрон ҳаётнинг бошланиши демаски. Энг муҳими, амалга оширилаётган барча ислохотларнинг марказида инсон, унинг манфаати, фаровон ҳаёти ва қадри турибди.

ИСЛОХОТДАН НАТИЖАГА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан давлат бошқарувида “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “миқозбай” ишлаш тамойиллари изчил жорий этилди. Бу ёндашувлар аҳоли билан ишлашда очиқлик ва маънавийликни таъминлаб, фуқаролар муаммоларини жойида ва самарали ҳал этишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, “маҳалла еттилиги” институтининг ташкил этилгани маҳаллалардаги долзарб масалаларни тезкор ҳал қилишда муҳим механизмга айланди.

Туманимиз сўнгги йилларда муҳим ва эътиборга молик натижалар қайд этилди. Айнан шу кўрсаткичлар бугунги ислохотларнинг ҳаётимизда қандай аниқ самара бераётгани, халқ фаровонлигини таъминлашга қай даражада хизмат қилаётганини яққол кўрсатмоқда. Улар орқали ислохотлар қўғозда эмас, балки амалда ўз ифодасини топаётганини, ҳар бир ташаббус замирида инсон манфаати устувор эканини кўриш мумкин.

Жумладан, охириги уч йил мобайнида туманимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 ба-

либ, ишлаб чиқариш салоҳияти изчил кенгайди.

Хусусан, 2023 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,9 триллион сўм, аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткич эса 22 миллион сўмни ташкил этган. жорий йил якунига қадар эса жами 7 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажмини 40 миллион сўмга етказиш



режалаштирилган.

Импортни қисқартириш ва саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш бугунги янгиланиш жараёнининг яна бир муҳим йўналиши сифатида ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдирish ҳамда барқарор ривожланишнинг энг ишончли йўлидир.

Жорий йилнинг ўзида маҳаллийлаштириш дастури доирасида 9 та корхона томонидан умумий қиймати 348 миллиард сўм бўлган 9 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу нафақат импорт ўрнини босишга, балки янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий саноат салоҳиятини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

ТАРАҚҚИЁТГА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БИЛАН

Иқтисодий ўсишнинг жадаллаштириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишда инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мухтарам Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда инвесторлар учун қўлай

раржой бинолари ва савдо мажмуалари барпо этилмоқда. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 25 миллион долларга тенг.

Шунингдек, “Файз” маҳалласида Хитой компанияси иштирокида “Sino-O'zbek Logistic” масъулияти чекланган жамияти томонидан 10 миллион доллар қийматидаги замонавий логистика маркази қурилиши бошланди. “Бозор” маҳалласида эса Россия Федерацияси компанияси билан ҳам-

корликда “Foamline Vostok” масъулияти чекланган жамияти томонидан поролон ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қаратилган 10 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу ташаббус маҳаллий саноат салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Туманда хорижий сармояларни жалб этиш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худуд иқтисодий қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган йирик индустриал майдонлар барпо этилмоқда.

Жумладан, “Бозор” маҳалласида 100 гектар майдонда “Ўзбек-Турк” саноат кластери ташкил этилди. Ушбу кластер доирасида умумий қиймати 255 миллион доллар бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 130 гектар ер майдонида жойлашган, умумий қиймати 632,8 миллион долларга тенг 21 та лойиҳани ўз ичига олган “Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери ҳам фаолият бошлади.

Мазкур икки йирик кластер худудда саноат ва фармацевтика соҳаларини янги босқичга олиб чиқиш,



та мамлакат бозорлариغا етказиб берилмоқда. Айниқса, Озарбайжон, Германия, Грузия, Италия, АҚШ ва Покистон каби иқтисодий салоҳияти юқори бўлган янги бозорларга чиқилгани муҳим ютуқ сифатида эътироф этилади.

Эришилаётган ушбу натижалар туманимиз-



нинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардорлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

БАРЧАСИ АҲОЛИ УЧУН

Туманимизда хизмат кўрсатиш, сервис ва савдо соҳаларининг жадал ривожланиши иқтисодий муҳитни тубдан янгиллаб, аҳоли турмуш сифати ошишига хизмат қилмоқда. Сўнгги уч йил ичида аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1,5 баробарга ўсгани бу жараёнинг амалий натижаларини яққол тасдиқлайди. Бугунги кунда туманда хизмат кўрсатиш, сервис ва савдо йўналишларида 3 минг 650 та юридик шахс макромига эга тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткичлар иқтисодий ҳаётнинг нафақат жонланаётганини, балки сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганини аниқлатади.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда туманда кўп функционал, кўп қаватли замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилмоқда. Хусусан, “Нурфашон” маҳалласида “Alfa-Plaza Trade” масъулияти чекланган жамияти

лиқни қисқартириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсадда Президентимиз томонидан қабул қилинган “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш чора-тадбирларини янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Фармон асосида туманда изчил ва манзилли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда ушбу дастурлар доирасида 25 минг нафар аҳоли даромадли меҳнат билан банд этилди. Шунингдек, камбағал оилаларнинг 852 нафар аъзоси ишга жойлаштирилди, 453 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди, 927 нафари тадбиркорликка жалб этилди, 30 нафари касб-хунарга ўқитилди, 3 нафарига бюджет маблағлари ҳисобидан субсидия берилди.

Бугунги кунда туманимизда жами 60,2 минг нафар фуқаро иқтисодий тармоқларида банд бўлиб, шундан 26,3 минг нафари саноат, 17,8 минг нафари хизмат кўрсатиш ва савдо, 14,2 минг нафари қишлоқ хўжалиги ҳамда 1,9 минг нафари қишлоқ соҳаларида меҳнат қилмоқда. Барқарор иқтисодий ўсиш натижасида ишсизлик даражаси 2022 йилдаги 8 фоиздан 4,5 фоизга, камбағаллик даражаси эса 8,4 фоиздан 4,1 фоизга камайди. Бу рақамлар аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган амалий ишлар самарасини яққол кўрсатади.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида аҳоли томоқларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш мақсадида жорий йилда “Балиқчи”, “Бўстон”, “Рамадан”, “Нуробод” ва “Ҳаракат” маҳаллаларида суғориш ва электр таъминоти тизимларини яхшилаш учун республика бюджетидан 7 миллиард сўм ажратилди.

Шунингдек, туманда “Сайхун-обод”, “Уйчи”, “Зарбдор” ва “Ғижду-вон” тажрибалари асосида аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Сайхун-обод тажрибаси” доирасида томоқлардан самарали фойдаланиш, ҳар қачон ерни даромад манбаига айлантириш орқали бир йилда уч марта ҳосил олаётган хонадонлар сонини 35 мингга етказиш режалаштирилган. Бу ишлар аҳоли фаровонлигини таъминлаш билан бирга, туман иқтисодиёти барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун” тамойили бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз амалий ифодасини топмоқда. Саноат, қурилиш, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган изчил ишлар мамлакат кудратини ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ҳамда инсонлар ҳаётига ҳақиқий мазмун бағишлашга хизмат қилмоқда.

Янги лойиҳалар орқали инфра-тузилма ривожланиб, иш ўринлари яратилмоқда, фуқаролар учун қўлай ва барқарор турмуш шароити таъминланмоқда. Энг муҳими, амалга оширилаётган барча ислохотлар халқ манфаатларига қаратилган бўлиб, юртимизнинг барқарор тараққиёти учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Эркин РУСТАМОВ,
Зангиота тумани
ҳокими



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV

(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV



Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-1235.

2 430 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.



робарга, хизмат кўрсатиш соҳаси 1,6 баробарга, қурилиш ишлари 1,3 баробарга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари эса 1,2 баробарга ошди.

Шунингдек, ушбу даврда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажми 3,3 баробарга, маҳсулотлар экспорти эса 1,7 баробарга кўпайди. Бу натижалар очиқ иқтисодиёт тамойилларига асосланган ҳолда жаҳон бозорига фаол кириб бориш йўлида қўйилаётган изчил қадамларнинг амалий самараси сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

САНОАТ – ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ТАЯНЧИ

Маъмулий, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш туман иқтисодиётининг энг муҳим драйвер йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда туманимизда 988 та саноат корхонаси самарали фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида эса яна 143 та янги кичик бизнес субъекти рўйхатдан ўткази-

ва барқарор бизнес муҳитини шакллантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ана шу тизимли ўзгаришлар натижасида туманимизда янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда, иш ўринлари кўпайиб, иқтисодий фаоллик сезиларли даражада ошмоқда.

Бу жараёнлар худуд тараққиётига янги суръат бағишлаб, аҳоли ҳаётида ижобий ўзгаришларнинг яққол намоён бўлишига хизмат қилмоқда. Хусусан, 2023 йилда туманимизга жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 36 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 120 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Худудимизда йирик хорижий компаниялар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар туман иқтисодий қиёфасини изчил равишда янгилamoqda. Жумладан, “Эшонгузар” маҳалласида Хитой Халқ Республикаси компанияси билан ҳамкорликда “Expected Homes” масъулияти чекланган жамияти томонидан ту-

минглаб янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

ЭКСПОРТНИНГ ЭРТАСИ БОР

Туман иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда маҳсулотлар экспорти кенгайтириш албатта муҳим. Зеро, ишлаб чиқарилган ёки етиштирилган маҳсулотнинг ҳақиқий қиймати унинг янги бозор топиши, айниқса, халқаро майдонда рақобатбардор бўлиши билан белгиланади. Бу эса иқтисодий ўсиш ва жамият тараққиёти учун муҳим омилдир.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2022 йилда 71 та экспортёр корхона фаолият юритган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг сони 124 тага етди. Шу билан бирга, экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури 225 тадан 267 тагача кенгайди.

Экспорт географияси ҳам сезиларли даражада кенгайиб, 2022 йилда 24 та давлатни қамраб олган бўлса, бугунги кунда маҳсулотлар 35

томонидан 10 қаватли бино қурилиб, унда 600 ўринли савдо дўконлари, 200 ўринли меҳмонхона ва ресторон фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, “Эшонгузар” маҳалласида “Expected Homes” масъулияти чекланган жамияти томонидан 5 қаватли бинода 400 ўринли савдо дўконлари ва болалар ўйингоҳи барпо этилди, 7 қаватли замонавий автотураргоҳ қурилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги бу ривожланиш қурилиш соҳаси билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Қурилиш нафақат замонавий инфратузилмани яратиш, балки аҳоли учун қўлай ва барқарор яшаш муҳитини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Янги объектлар барпо этилиши маҳаллий иқтисодиётни фаоллаштириб, кўплаб янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

Бугун юртимизда аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва камбағал-